Ушбу сонда:
2 НАМАНГАН ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОЗОР ШАРОИТИДА
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 *Болалар спорти* ЎРИНБОСАРЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 29 январ, чоршанба № 17 (1442)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## УЧ АВЛОД МАЖМУАСИ

Деҳқонобод туманидаги "Деҳқонобод" ширкат хўжалигида маҳалла гузари қад кўтарди. У "Уч авлод мажмуаси" дея номланди.

- Гузарнинг бундай номланишига сабаб бу ерда отахонлар дам оладиган чойхона, ёшлар ҳордиқ чиқарадиган жой ва кичкинтойлар учун болалар боғи бунёд этдик, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига хўжалик раҳбари Ваҳобжон Норсафаров. - Шунингдек, дўконлар маиший хизмат нуқталари ҳам одамлар хизматида. Кўпдан буён шундай гузар ташкил қилишни орзу қилардик. Деҳқонободдек жойда бирорта дам оладиган гўшанинг ўзи йўқ эди.

В. Норсафаровнинг таъкидлашича, бу гузарда ёшларнинг қирқ нафари иш билан таъминланди. Шунингдек, бу ерда ёшлар спортнинг кураш, шахмат-шашка каби турлари билан шуғулланишлари мумкин. Обод маҳалла йилида яна иккита шундай гузарни ишга тушириш режалаштириляпти. Қурилиш ишлари ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Обод маҳалла йилида маҳаллалар обод, уйлар нурафшон бўлади.

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



**Мадрид, 28 январ. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:**

***Мадрид марказидаги «Леалтад» майдонида мамлакат озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб ёдгорлик мажмуи бунёд этилган. Испанияга давлат ташрифининг иккинчи кунини Президент Ислом Каримов ана шу ёдгорлик пойига гул қўйишдан бошлади.***

Испания Сенатида ушбу мамлакат парламенти етакчи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидламоқ жоизки, қадимий Испанияда олий мартабали меҳмонни кутиб олишнинг ўзига хос анъаналари мавжуд. Шунга биноан, аввал икки давлат мадҳиялари янгради. Сўнг Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессининг медали тақдим этилди. Ислом Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, «Олтин китоб»га дастхат битди. Испан қонунчилари мамлакатимиз раҳбарига мамлакатнинг 1978 йили қабул қилинган конституциясининг нодир нусхасини тақдим этди.

Сенат ва Депутатлар конгрессининг раҳбарлари - Хуан Хосе Лукас Хименес ҳамда Руди Убеда Луиза Фернанда, доимий қўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида сўзлади. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов маҳаллий анъанага биноан суворийлар кузатувида Мадрид мэриясига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий «Олтин калити» тақдим этилди.

Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шаҳарлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидланди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Монклоа» саройида Президент Ислом Каримов ҳамда Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами замон талаблари ва икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги қайд этилиб, келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодиёт вазирликлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Испания сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирида туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташкилот Бош котиби Франческо Франжиали билан учрашуви чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ЖСТ билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қайси давлатга ташриф буюрмасин, албатта, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади. Мадрид сафари ҳам бундан мустасно бўлмади. Ислом Каримовнинг Испания Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Испанияга давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

*Наврўз тадориги*

# ТОҒЛАРДА ҚОР, ҚАЛБЛАРДА БАҲОР

***Миллий қадриятларимиздан бўлган Наврўзи оламни кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Обод маҳалла йилида фидойи халқимиз ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини авж олдириб юборди.***

Мамлакатимиз жанубий сарҳадларига кўклам нафаси эрта келади. Ҳисор тоғларининг чўққиларида оппоқ қор, Чиял ва Кўкдала қир-адирларида, Нишоннинг бахмал яйловларида, Аловуддин тепаликларида аллақачон баҳор нафаси кезмоқда.

Қуёшнинг заррин нурларида чўмилаётган кўз илғамас кенгликлар, тонгги ёмғирдан сўнг нозик барглари намхуш шудрингга чўмган поёнсиз майсазорлар. Қарийб 2 миллиард кубометр оби-ҳаётни саҳнига жойлаган улкан денгиз — Талимаржон сув омборидан куч олган қоп-қора булутлар осмонни қоплаган.

Вилоят ҳокимининг «Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. «Нуроний», «Наврўз», «Маҳалла» жамғармалари вилоят бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашининг барча қашқадарёликларга мурожаати матбуотда ёритилди. Ўлкамиз чиройига чирой қўшиш мақсадида баҳор байрами – Наврўзи олам шарафига умумхалқ ҳашари давом этмоқда.

Яқинда Қарши туманининг Файзиобод маҳалласида кекса деҳқон Қодиржон Одиловни кўчат ўтқазаётган пайтида учратдик. Қарши даштини ўзлаштиришга биринчилар қаторида отланган, Нишон туманида серманзара боғлар яратган бу отахон вилоят пиллачилигининг тамал тошини қўйганлардан. Пенсияда бўлишига қарамасдан ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш тадбирларида жон дили билан қатнашаяпти.

«Пахтаобод» фермерлар уюшмасида халқ селекционери Ҳаким ота Усмонов, хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Шоймурод Ҳайдаров бошчилигидаги бир гуруҳ оқсоқоллар боғлардаги дарахтларга ишлов ҳамда шакл бериш, йўлларни таъмирлаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларига киришганлар.

Вилоятнинг 500 дан зиёд маҳаллаларида, Қарши, Шаҳрисабз, Муборак шаҳарларида, туман марказлари, қишлоқларда ҳар бир вояга етган киши бештадан кўчат экиш ташаббуси бошланган. Темир Мирзаев номидаги мевачилик ва узумчиликка ихтисослашган жамоа хўжалиги, ўрмонлар бошқармаси, Озод Умиров раҳбарлик қилаётган кўчат ва гул етиштирувчи корхона меҳнат аҳли боғбонларни ниҳоллар билан таъминлашаяпти.

Касби, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Чироқчи, Китоб туманларида ҳозирнинг ўзидаёқ 500 минг тупдан зиёд дарахт ниҳоллари, 600 минг тупдан кўпроқ гул кўчатлари экилди. Вилоятнинг табиий захиралари ичида ўрмонлар юқори ўринни эгаллайди. 11 та ўрмон хўжалиги бўлиб, уларнинг ер майдони 186 минг 284 гектардан иборат. Шулардан 56 минг гектари арчазорлардир.

Табиатни асраш, экологик муҳитни барқарорлаштириш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Бу борадаги қонунни бузган, дарахтларни беҳудага кесиб, пичанзор ва ўтлоқларни пайҳон қилган кимсаларга тегишли чоралар кўрилмоқда.

– Яхшидан боғ қолади, - дейди вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Иноят Шаропов. – Боғ яратганнинг икки дунёси ҳам обод бўлади, дейилади муборак Ҳадиси шарифда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигида маҳаллаларимиз фаоллари алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Тоғ чўққиларидаги қорлар эриб, дарёлар тўлиб оқа бошлади. Обод ва кўркам юртда баҳорий шабада эсиб, меҳнат аҳлини дала ва боғларга чорлаяпти. Қадимий воҳа гул ва дарахтларга, эзгулик ва яшилликка чулғанмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.**

## БИЛИМЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида вилоятдаги ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўқуви бошланди.

Улар бир ҳафта мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни жадаллаштириш, янги технологиялардан оқилона фойдаланиш, серҳосил навларни танлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, инфратузилмани юксалтириш бўйича малака оширади. Ўқув машғулотларида тажрибали қишлоқ хўжалик ходимлари, олимлар ва мутахассислар маъруза қилади. Ўзаро мулоқот ва мунозаралар бўлиб ўтади.

Ўқув машғулотлари очилишида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**(ЎзА).**

# ЯПОНИЯ СПОРТЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Жорий йилнинг 1-8 феврал кунлари Япониянинг Амори шаҳрида V қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада қитъамизнинг ўттизга яқин давлатидан келган 1200 нафар спортчи сафида юртдошларимиз ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида қишки қитъа ўйинларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар билан учрашув бўлди.

- Спортчиларимиз Аморида бўладиган ўйинларга пухта тайёргарлик кўрди, - деди МОҚ президенти С.Рўзиев. - Улар бу йилги ўйинларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришларидан умидвормиз.

Бешинчи марта ташкил этилаётган қишки Осиё ўйинларида вакилларимиз учинчи марта қатнашади. 1996 йилда Хитойнинг Ҳарбин шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларда илк бор иштирок этган спортчиларимиздан фигурали учиш бўйича Татьяна Малинина кумуш, фристайлчи Сергей Бренер эса бронза медалга сазовор бўлган эди.

1999 йили Жанубий Кореянинг Канг-Вон шаҳрида ўтказилган IV қишки Осиё ўйинларида Татьяна Малинина олтин, Роман Скорняков кумуш ҳамда Наталья Понамарёва ва Евгений Свиридов жуфтлиги фигурали учиш бўйича бронза медалларни қўлга киритган.

Бу гал Осиё ўйинларига тўрт нафар иқтидорли спортчи - фигурали учиш бўйича Артём Князев, Марина Аганина, Анастасия Гимазеддинова ҳамда тоғ чанғичиси Қайрат Эрметов боради.

- Биз Марина Аганина билан жуфтликда Загребда ўтказилган халқаро мусобақада учинчи ўринни олган эдик, - деди Артём Князев ЎзА мухбирига. - Осиё ўйинларига ҳам тадоригимиз яхши. Аморида, асосан, хитойлик спортчилар билан рақобатлашамиз. Насиб этса, Япониядан ёруғ юз билан қайтамиз. Осиё ўйинлари якунлангач, Пекинда бўладиган нуфузли турнирга бориш режалаштирилган. Албатта, бундай мусобақалар Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиш учун тажриба тўплаб, маҳоратимизни оширишда муҳим омил бўлади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.**

# МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

## меҳнаткаш манфаатига хизмат қилади

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги ҳаракат дастурида устувор вазифалар, ижтимоий мўлжаллар ва режалар аниқ-равшан белгилаб олинган. Дастурда ижтимоий шерикчилик тамойилини жорий қилиш ва ривожлантириш масаласига касаба уюшмалари фаолиятининг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий йўналишларидан бири сифатида алоҳида урғу берилган.***

Энг оммавий жамоат ташкилоти фаолиятининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак «Инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган шиорга амал қилинади.

Ижтимоий шерикчиликни амалиётга жорий этишнинг асосий омилларидан бири эса бу тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларидир. Аввало, келишув ва шартномаларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари, меъёрлари ва тегишли тавсияларга риоя қилинган ҳолда тузилиши, уларда ҳар бир тармоқ, корхона ва ташкилот тараққиётига, меҳнат жамоаларининг манфаатларига хизмат қилувчи ҳамда «иш берувчи», «ёлланма ишчи» учун мақбулу манфаатли бўлган тадбирларнинг кафолат ва имтиёз сифатида мустаҳкамлаб қўйилишига эришиш ўта муҳимдир.

Бу борада ёқилғи-энергетика тизимидаги корхона ва ташкилотларда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшма ташкилотимиз нефт-газ, энергетика, геология, кимё, геодезия ва давлат кадастри, фармацевтика саноати бошқарув органлари билан тузилган тармоқ келишувлари ҳамда уларга мувофиқ жойларда тузилган жамоа шартномалари асосида иш олиб бормоқда. Келишувлар ва жамоа шартномаларининг кейинги йилларда бажарилишини таҳлил қиладиган бўлсак, деярли барча кўрсаткичлар бўйича ижобий ўсишга эришилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, жамоа шартномалари орқали 2001 йилда ҳар бир касаба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун 162 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, дастлабки таҳлиллар ўтган йилда эришилган кўрсаткичлар бундан кам бўлмаганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ходимларнинг бандлигини таъминлаш, янги касбларга ўқитиш ва малакаларини ошириш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ҳуқуқий, маънавий-маърифий савияларини юксалтиришга оид тадбирлар ҳам изчил амалга оширилди. Тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларига оид мажбуриятлар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва энг кам иш ҳақи миқдорини ошириб бориш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада 2002 йил давомида нефт-газ, энергетика ва кимё саноати бўйича энг кам иш ҳақи миқдори республикада белгиланган миқдордан уч-тўрт баробар ортиқ бўлишига эришилди. Ўртача ойлик иш ҳақи эса 60-70 минг сўмни ташкил этган. Ўз навбатида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик ва унинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш масаласи ўзаро ҳамкорлик доирасидаги асосий масалалардан бирига айланган. Айнан шу масалага оид Вазирлар Маҳкамасининг қарори бажарилишини таъминлаш бўйича тармоқлар маъмурияти билан касаба уюшма Марказий Қўмитасининг тегишли қўшма қарорлари қабул қилинган. Тармоқ касаба уюшмаларининг ҳаракат тартиби ишлаб чиқилган ҳамда улар барча ташкилотларга етказилиб, ижроси назорат остига олинган.

Умуман, бугунги кунда «иш берувчи» ва «ёлланма ишчи» ўртасидаги муносабатларнинг қонуний ва маърифий кечишини таъминловчи ҳуқуқий негиз тўла-тўкис яратилган. Қабул қилинаётган қонуний ва меъёрий ҳужжатларда, Президент Фармонларида ва ҳукумат қарорларида ижтимоий шерикчиликни жорий қилиш ва ривожлантириш учун етарлича имкониятлар, асослар мавжуд. Эндиликда ҳамма гап ана шу ҳуқуқий замин, имкониятлар ва асослардан оқилона фойдалана олишимизда.

**Ғофуржон ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бўлим мудири.**

*Мозийга назар*

(Боши ўтган сонда)

# ИККИ ДЎСТ

## Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро муносабатлари

Навоийнинг ўзи шахсан «вазири аъзам» сифатида мамлакат хазинасининг асосий «тортови»ни халққа қаратиб қўйган эди. Эл-юрт хизмати учун қурилишлар, кўприклар, работлар, боғ-роғлар, каналлар ва ҳар турли «иона»лар тортиқ қилиш ҳам Навоийнинг саъй-ҳаракати асосида юзага чиққан. Буларнинг бари, албатта, давлат хазинасисиз амалга ошиши амри маҳол. Бунинг устига Навоий камбағал, юпун ҳаёт кечирувчи оддий халққа, турли олиқ-солиқлар бўйинтириғининг илинишига ҳам йўл қўймас эди. Авваллари хазинага деб зулм ва зўрлик билан олинадиган фавқулодда солиқларнинг йўли ҳам қирқилган эди.

Шундай бўлгач, давлат хазинасининг заифлашуви ўз-ўзидан аён бўлади ва подшо Султон Ҳусайн Маждуддин каби ишбилармон амалдорлар билан кенгашиб, мамлакат аҳволини моддий жиҳатдан оёққа турғизиш йўлларини ўйлайди. Ана шу интилиш асосида подшо Маждуддинни саройга тортишга уннаган. Навоий саройда мавжуд экан, бу ишни қилиш амри маҳол эди. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг яна бир қийин жиҳати шунда эдики, 1486-87 йилларга келиб, Журжон ҳокими амир Мўғул даврида бу юрт нотинч бўлиб, унинг хатти-ҳаракати пойтахт Ҳиротга нисбатан ҳам ғоят таҳликали тус олган эди. Бутун Хуросон бойликларини кўз-кўз қилувчи бу олис гўшада, Султон Ҳусайннинг ўзи бир маҳаллар ҳарбий исён билан Ҳиротни эгаллаган. Шу боис у ернинг вазият ва имкониятларини, ҳарбий салоҳиятини, бойликларини, кишиларини яхши билган ҳолда подшоҳ ишончли, забардаст бир қўл излаб, ғоят бесарамжон бўлади.

Чунки ўз хизматларини миннат қилиб, бу шоҳни ташлаб, нариги шоҳ хизматига осон ўтиб кетадиган бек ва амирлар у даврда жуда кўп эди. Подшоҳни мана шу ишончсизлик қийнайди. Шундан келиб чиқиб, Навоий дарвешлик ихтиёр қилиб, «Нақшбандия» сулукига қўл берган, Абдулла Ансорий қабрининг жарубкашлигини ўз зиммасига олиб ўтирган бир пайтда Султон Ҳусайн яна уни безовта қилиб, Журжон музофотига ишга таклиф қилади. Дастлаб Навоий бунга кўнмайди, бироқ ялиниб-ёлворишлар ҳатти аълосига еткач, ноилож бу вазифани бўйнига олишга мажбур бўлади.

Ажабо, нима учун Султон Ҳусайн Журжон вилоятини бунчалик асраб-авайлайди? Буни тушуниш учун ўша давр тарихчиси, Чофизорийнинг мана бу маълумотларига қулоқ тутиш кифоя. «Журжон ўзининг гўзаллиги ва ёқимлилиги билан тенгсиз гўшалардан бири эди. Бу ерда кўм-кўк майсалар билан ўралган хилма-хил гуллар ва доривор ўсимликлар мавжуд бўлган. Айниқса, бу ернинг ипаклик матолари бошқа вилоятлардан анча сифатли ва нафис бўлган. Бу матолар дунёнинг кўп сарҳадларига олиб бориб сотилган. Бу ердан тўпланадиган «закот»нинг ўзидан ҳар йили 350 минг динор пул жамғарилган. Ҳарбий харжлар учун эса ҳар йили 250 минг динор маблағ йиғилган». Қисқаси, бутун Ҳирот марказининг кўрки, чиройи, безаги мана шу Журжон туфайли сайқал топиб турган. Шундай имкониятлари кенг ва катта ҳарбий салоҳиятга эга маскан бирор ишончли қўлга топширилмаса, у ердан айрилиб қолиш ҳеч гап эмас эди.

Шу жиҳатдан ҳам у ерда 3 йил ишлаган Навоийнинг Ҳиротга қайтиш йўлида Султон Ҳусайнга қилган илтижолари бирданига самара беравермайди. Подшоҳ шоирни яна бироз ишлаб туришини маслаҳат кўриб, унинг ўрнига қўймоқчи бўлган амир Мўғулни обдон синайди. Шундан кейингина Навоийга ижозат берилади. Бироқ, кўп фурсат ўтмай, амир Мўғул Журжонда исён кўтарганлиги аён бўлгач, подшоҳ ўғли Бадиуззамонни у ерга қўйишга мажбур бўлади.

Навоий Журжон ҳокими бўлиб юрган кезларидаёқ уни шоҳга қарши қўйиш ниятида баъзи уринишлар қилингани маълум. Жумладан, давлат ишлари юзасидан пойтахтга юборилган Ҳайдар шоҳга шахсий ғарази борлиги туфайли саройга сохта хабар етказиб, уларнинг ораларини бузмоқчи бўлади. Амир Ҳайдар «Ошпаз Кокулий менга заҳар беришга ҳаракат қилди, бунда саройнинг бевосита қўли бўлса керак, деган хабарни етказишимни илтимос қилдилар» деб ахборот беради. Шоҳ бу гапни эшитгач, бундай номаълум иш ҳатто хаёлга ҳам келган эмас, деган мазмунда хат ёзиб, чақмоқ тезлигида етказилишини буйруқ қилади. Хатнинг мазмуни билан танишган Навоий шоҳ билан учрашиб, бу гаплардан мутлақо хабарсиз эканлигини баён қилади. Ғазабланган шоҳ шу ондаёқ Ҳайдарнинг бошини узиши мумкин эди, бироқ қадрдони Навоийни ўйлаб, унинг иниси эканлигини инобатга олиб, икки-уч кун Ихтиёриддин қалъасига қамаб, сўнг қўйиб юборади. Шоҳ Навоий туфайли Балхда исён кўтарган, туғишган иниси Дарвешалини ҳам авф этган эди. Навоийнинг машҳур куллиёти «Чор девон» худди шу Журжонда ишлаб юрган чоғларда тартибга солинган ва унинг ҳар бир жилдини шоҳнинг ўзи таҳрир қилиб, саройда кўчиртирган.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди, Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими.**
**(Давоми бор)**

# «ОБОД МАҲАЛЛА» КЎРИК-ТАНЛОВИ

*Ташаббус*

«Жиззах ҳақиқати» вилоят газетаси таҳририяти яқинда яхши бир ташаббус билан чиқди. Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда маҳаллалар ҳаёти ҳақида ёзилган энг яхши мақолалар учун «Обод маҳалла» кўрик-танлови ўтказишга қарор қилди. Бундан асосий мақсад маҳаллалар фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва аҳамиятини газета саҳифаларида кенг, тўлақонли очиб бериш. Шунингдек, «Обод маҳалла йили» Давлат дастури ижроси жойларда ўз ечимини қандай топаётганлигини таҳлил этиб, кўча оқсоқолларининг ўй-фикрлари, тажрибаларини кенг ёритиб бориш, тўй-маъракаларни замон талабига мос ўтказиш, маҳалла гузарлари, милиция таянч пунктлари, халқ посбонлари, хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига алоҳида эътибор беришдан иборатдир.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





«Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳида малакали шифокорлар дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Бу ерда даволанувчилар фақатгина ўз дардларига шифо топибгина қолмай, мазмунли ҳордиқ ҳам чиқаришмоқда. Сиҳатгоҳда фаолият юритаётган «Маънавият ва маърифат маркази» улар хизматида. Марказ раҳбари И.Козимов дам олувчилар учун турли тадбирлар ташкил этмоқда. Олий тоифали шифокор Акбар Ниёзовнинг беминнат хизматидан ҳам даволанувчилар ниҳоятда хурсанд.

**Шавкат СУЛТОН олган суратлар.**

# БЕПУЛ ДАРСЛИКЛАР

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Хонқа туман қўмитаси маъмурият билан тузилган жамоа шартномасига асосан мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини қишки мавсумга тайёрлашга катта эътибор қаратганлиги бугун ўз самарасини бермоқда.

Анчагина путурдан кетган икки мактабда 32 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. 68 та мактаб ва болалар боғчалари енгил таъмирдан чиқарилди. Иситиш тизимини яхшилашга жиддий эътибор қаратилди. Тумандаги мавжуд мактабларнинг асосий қисми марказий иситиш тизимига улангани ҳолда 10-, 28- мактабларгина кўмир ёнилғиси билан иситилмоқда. Яқин кунларда бу тарбия масканларида ҳам иситиш тармоғи тубдан янгиланади.

Касаба уюшма қўмитаси соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақлари тўлашни тартибга солишни энг муҳим вазифалардан бири деб билмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг болаларини бепул дарсликлар билан таъминлашда ҳомийлар ёрдами катта бўлмоқда Ана шундай ўқувчиларга давлат томонидан ажратилган 27 миллион сўмдан ошиқ кийим-кечакдан иборат давлат ёрдами ҳам берилди. Ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Болалар спорти*

# ЎРИНБОСАРЛАР

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг янги тузилма фаолиятини ташкил этишга доир тегишли қарорини амалга ошириш соҳасида Қашқадарё вилоятида ҳам муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди.

Буни Нишон тумани мисолида кўриш мумкин. Халқ таълими бўлими ҳузурида ташкил этилган «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти ўқув жараёнларини такомиллаштириш, ёшларни соғлом-бақувват қилиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. «Умид ниҳоллари» мусобақасининг вилоят босқичида совринли ўринга эришилганлиги ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар туфайлидир.

Иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини ўстиришда иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси муносиб ҳисса қўшмоқда. Машғулотларда қатнашаётган ўғил-қизлар футбол, волейбол, қўл тўпи, стол тенниси, миллий кураш сирларини ўрганишаяпти.

Тарбия масканини битириб чиққан Юрий Худоёров, Виталий Ли республикамизда олий лига футбол жамоаларида тўп суришаяпти. Тажрибали мураббийлар Шомурод Муродов ва Орол Баратовнинг шогирдлари Уйғун Дўстқобилов, Исмадиёр Чориев, Ўткир Холиқов, Шамсиддин Пирбобоевлар эса кураш бўйича ўз вазн тоифаларида Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

— Спорт инсонни камолотга етказади,-дейди ёшлар ўртасида республика чемпиони Исмадиёр Чориев. — Дўстим Ўткир Холиқов билан Қарши Давлат дорилфунунига имтиёзли равишда қабул қилиндик.

Истеъдодлар қўллаб-қувватланса, уларнинг сафи янада кўпаяди. И.Чориев ва У.Холиқовлар дорилфунунни тугаллаб, Муқимий номли умумтаълим мактабида ёшларга жисмоний тарбия фанидан сабоқ бериб келишаяпти.

Қўл тўпи бўйича мураббий Акмал Аллаберганов шогирдлари «Олимпияда умидлари» ва «Умид ниҳоллари» вилоят мусобақасида биринчи ўринни эгалладилар.

«Нишон», Қори Ниёзий ва Усмон Юсупов номли мактабларда спорт мусобақаларини ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Машғулотларни тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар олиб боришаяпти.

Биринчи болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Ҳасан Муҳсиновнинг таъкидлашича, ўқувчилар машғулот олиб бораётган заллар ва майдончалар талабга жавоб бермайди. Таълим масканларининг ташкил топганига йигирма йилдан ошганига қарамасдан ўзининг машғулотлар ўтказадиган базасига эга эмас. Спорт мактаби пахта тозалаш спорт жамиятига қарашли марказий ўйингоҳнинг ёрдамчи хонадонида жойлашган.

Спорт жиҳозлари, футбол, волейбол, баскетбол тўплари, кураш гиламлари етишмайди. Бундай камчиликларни бартараф этишда туман ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, касаба уюшмалари туман қўмитаси яқиндан ёрдам бериши керак. Яхши натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш, улар учун совринлар ташкил этиш давр талаби.

Болалар спорти мамлакатимизда устувор даражага кўтарилган экан, у ёш авлод ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши лозим.

**И.ИСОМИДДИНОВ.**

# «Баркамол авлод-2003» ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Лицей ва коллежлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод-2003» республика мусобақалари тобора яқинлашмоқда. Бу сафар мусобақалар Андижонда ўтказилади. Вилоят марказида асосий спорт баҳслари бўлиб ўтадиган иншоотлар, спорт майдонлари қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда. Уни тайёрлашга деярли барча ташкилотлар жалб этилган.

«Андижончироқ» ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт майдонларини ёритиш учун жавоб беради.

- Спорт мажмуини ёритиш лойиҳасини ўн хил вариантда таклиф этдик,- дейди корхона директори Р.Рашидов. - Энди комиссия энг яхшисини танлайди.

**(ЎзА).**

***<u>У ирсиятга қаттиқ ишонади. Оққан дарё оқаверади, чинорлар илдизидан чинорлар кўкариб улуғ алломалар туғилган заминда бемисл маърифат ва илму урфон мангу барқарор бўлади, деб ўйлайди. Негаки ҳар инсон ўз ватанининг бир парчаси, номи, шони. Унинг вужудида туғилган она замин ҳарорати қуёшнинг тафти, улуғ бобокалонларнинг руҳи поки яшайди. Инсон камолида киндик қони тўкилган заминнинг хосияти борлиги шундан.</u>***

# КЎЗЛАР ТАННИНГ ЧИРОҒИ

## Лавҳа

Мана ҳозир ҳам Минораи Калон томон бораркан, қачонлардир тиббиёт илмининг донишманди Ибн Сино ҳам, ал Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ҳайрат ва ҳавас билан бу ердан ўтганларини ҳис қилиб, юраги алланечук бўлиб кетди. Ҳа, юртбошимиз Ислом Каримов топиб айтганлар «Бухоро – эзгулик шаҳри».

Дунёни, унинг гўзалликларини бус-бутун кўришдан ортиқ бахт борми? Оллоҳнинг бу бебаҳо инъомини, минг афсуски, кўпчилик тушуниб етмайди. Бир донишманд «Таннинг чироғи – кўз» деб тўғри таърифлаган. Аслида ҳар бир кўз ўқилмаган бир китоб. Уларда инсон феъл-атворидан ташқари саломатлиги ҳам акс этган бўлади. Ҳар қандай хасталик аввало кўзда асорат қолдиради. Қарангки, она қорнида, ҳомилада ҳам энг аввал кўзлар пайдо бўларкан.

Бугун у учун ниҳоятда оғир кун бўлди. Белгиланган жарроҳлик операцияларини эндигина тугатган ҳам эдики, ёш бир йигитни олиб келишди. Қурилишда пайвандчи бўлиб ишлайдиган бу йигитнинг кўзларига темир парчаси сачраган... Беморнинг аҳволи ниҳоятда оғир, кучли оғриқдан ҳушини йўқотган. Тезда уни операция столига ётқизишди... Сўнгра ёшгина жувонни олиб келишди. Бехосдан айтилган нохуш хабардан ҳушини йўқотган. Ўзига келганида ҳеч нарсани кўрмай қолган. Унинг миясига қон қуйилиши натижасида бу ҳолат келиб чиққан. Беморга аввал осойишталик, тинчлик керак. У эса ҳеч нарсани тушунмайди. Бундай пайтда шифокор психолог бўлиши зарур. Беморни тинчлантириш, ўз сўзига ишонтириш керак... Шундагина муолажа ўз самарасини беради. Шифокор унинг руҳиятига сўз билан таъсир этди. Оиласини, фарзандларини эслатди. Уларнинг жамолини кўриш фақат унинг ўзига, иродасига боғлиқлигини тушунтирди...

Ҳеч қанча вақт ўтмай уни Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят бўлимига, масъулиятли операцияда иштирок этиш учун чақиришди. У ерга етиб борганида тиббиёт фанлари доктори Маъмур Абдураҳмонов бошчилигидаги марказнинг энг малакали ва тажрибали шифокорлари қаттиқ жароҳат туфайли кўп қон йўқотиб, ҳаёти хавф остида қолган беморни операция қилиш борасида ўзаро фикр алмашишарди. Реаниматор, кардиолог, невропатолог, терапевт, жарроҳ қатори у ҳам ўз фикрини билдирди. Негаки, беморнинг кўзлари ҳам шикастланган эди. Қисқа фурсатда барча чоралар кўрилди. Узоқ давом этган операция натижасида хавф чекинди.

Марказ раҳбари, иқтидорли олим М.Абдураҳмонов у билан хайрлашаркан, шундай деди:

– Масъулият ва хушёрлик, шу билан бирга катта амалий тажриба талаб қиладиган яна бир имтиҳондан аълога ўтганингиз билан табриклайман. Халқимиз бахтига омон бўлинг.

Мана шу бир оғиз ширин сўз олдида унинг барча чарчоқлари унутилди, руҳи енгил тортди. Иш вақти тугаганига қарамай тўғри ўзи раҳбарлик қилаётган вилоят кўз касалликлари шифохонаси томон. Бугун операциядан чиққан беморлар соғлиғини назоратдан ўтказди. Керакли муолажаларни навбатчи шифокорга айтиб, кабинетига қайтганда, танида кучли чарчоқ сезди. Шундагина билдики, у кун бўйи тик оёқда юрибди.

Шифохонадан чиққанда тун алламаҳал бўлиб қолган, кўкда юлдузлар жимирлар, ҳаво ниҳоятда совуқ эди...

Сизга ҳикоя қилиб бераётган бу фидоий инсон, қўли енгил шифокор Бухоро вилоят кўз касалликлари шифохонаси раҳбари Ориф Сафаровдир. У ҳаётининг мазмунини одамларга холис хизмат қилишда, уларнинг кўзларига зиё улашишда, деб билади. Олис Шофиркон туманининг Новабоши қишлоғида туғилиб камолга етган шифокор изланувчанлиги, иқтидорли ва билимдонлиги билан эл меҳрини, ҳамкасблари эътиборини қозонди. У мунтазам равишда ўқиб-ўрганди, ҳар томонлама камолотга эришиш учун Шарқ табобати дурдоналарини, айниқса, ҳамюрти Ибн Сино таълимотини чуқур ўзлаштирди, уни амалиётда қўллаб, катта ютуқларга эришди.

Эл дуосини олиб яшаётган изланувчан, ғайратли, билимдон шифокор Ориф Сафаровнинг ниятлари улуғ – ҳеч бир инсон бу ёруғ оламни кўришдан бебаҳра бўлмасин, дейди у.

**Амина ҚОДИРОВА.**

# ЎҚИШ УЧУН АҚШга

Мустақиллик туфайли нафақат ўқитувчилар, талабалар, балки ўқувчилар ҳам энг яхши хорижий ўқув муассасаларида таълим олиш имкониятига эга бўлди. Жумладан, қарийб 40 нафар андижонлик юқори синф ўқувчиси Америка мактабларида бир йил ўқиб келди.

- АКСЕЛС йўналиши бўйича ҳар йилги танлов тобора оммавий бўлмоқда,- дейди Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси халқаро бўлими мудири Анваржон Мамажонов. - Бу галги танловда деярли 1000 нафар даъвогар қатнашди. Уч босқич натижаларига мувофиқ энг яхши ўқувчилар танлаб олинди. Тез орада Вашингтондан жавоб оламиз. Ўтган йилги тест натижаларига кўра, Андижон вилоятининг беш вакили АҚШ мактабларида таҳсил олмоқда.

# ШИФОКОРЛАРГА КЎМАК

Республика эндокринология илмий-текшириш институти олим ва мутахассислари бу гал Жиззах вилоятидаги шифохоналарга ўзига хос совға келтиришди.

ЮНИСЕФ томонидан ажратилган ош тузида йод миқдорини аниқловчи ушбу индикаторлар йод етишмовчилиги билан боғлиқ бўқоқ касаллигини аниқлаш, олдини олиш, самарали даволаш йўлларини белгилашда шифокорларга қўл келади. Пойтахтдан келган олимлар жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, айнан шу муаммо ҳақида батафсил сўз юритишди. Бўқоқ касаллигининг олдини олиш, даволаш йўллари тўғрисида маслаҳатлар беришди.

**(ЎзА).**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5